



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

МИКРОМОЛИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ЛОМБАРДЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИ ШАРҲИ

2024 йил III чорак

МУНДАРИЖА

I. Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар инфратузилмалари	2
II. Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар кредитлаш амалиётлари ва уларнинг сегментацияси	4
III. Микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг асосий кўрсаткичлари динамикаси	8
3.1. Микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг активлари	8
3.2. Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар мажбуриятлари	12
3.3. Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар капитали	15
3.3.1. Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар рентабеллик кўрсаткичлари	16
3.3.2. Активлар ва капитал рентабеллиги	18

Микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг молиявий ҳолати шарҳи

2024 йил 1 октябрь ҳолатига

Мазкур шарҳ 2024 йилнинг III чорақ якунлари бўйича микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг асосий ва молиявий барқарорлик кўрсаткичлари, хусусан, активлари, мажбуриятлари, капитал ва даромадлилигида юзага келган асосий тенденцияларни изоҳлайди.


I. Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар инфратузилмалари

Жорий йилнинг ўтган даврида микромолиявий хизматлар бозорида янги иштирокчи сифатида **9 та** микромолия ташкилоти ҳамда **7 та** ломбард ва уларнинг **84 та** филиаллари (*59 та микромолия ташкилоти ва 25 та ломбардлар*) ташкил этилиб, уларнинг умумий сони **184 та**, шундан микромолия ташкилотлари **93 та** (*филиаллар сони 183 та*) ва ломбардлар **91 тага** (*филиаллар сони 57 та*) етди.


1-чизма

2-чизма

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар бош офислари сони



Микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг филиаллари сони



Манба: Марказий банк маълумотлари


Бунда фаолият юритаётган микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг энг кўп қисми Тошкент шаҳри (**37 та микромолия ташкилоти ва 47 та ломбард**) ва Фарғона вилояти (**19 та микромолия ташкилоти ва 4 та ломбард**) ҳиссасига тўғри келса, Қорақалпоғистон Республикаси ва Қашқадарё вилоятларида **1** тадан бош офислари жойлашган.

Мазкур ташкилотлар филиаллари дислокация бўйича **Тошкент** шаҳрида ломбардларнинг **23 та** филиаллари ва микромолия ташкилотларининг **17 та** филиаллари фаолият юритса, **Жиззах** вилоятида мазкур кўрсаткич мос равишда жами **7 та** ва **4 тани** ташкил этади.


3-чизма

4-чизма

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар бош офисларининг ҳудудлардаги тақсимоти



Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар филиаллари сонининг ҳудудлардаги тақсимоти



Манба: Марказий банк маълумотлари

II. Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар кредитлаш амалиётлари ва уларнинг сегментацияси


Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида жами **11 трлн сўм** миқдорида кредитлар ажратилиб, кредитлаш миқдори ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **79 фоизга** ошган. Бунда кредитлашнинг **84 фоизи** микромолия ташкилотлари ва **16 фоизи** миқдоридаги кредитлаш ломбардлар ҳиссасига тўғри келган.

Кредитлаш амалиётларининг ўсиш суръати микромолия ташкилотларида **90 фоиз** (жами ажратилган кредитлар 9 трлн сўм), ломбардларда **36 фоизни** (1,7 трлн сўм) ташкил этган.

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан ажратилган кредитларнинг **9,9 трлн сўми** ёки **93 фоизи жисмоний шахсларга** ва **716 млрд сўми** ёки **7 фоизи юридик шахсларга** ажратилган кредитлар ҳиссасига тўғри келади.

5-чизма

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан ажратилган кредитлар миқдори




Ажратилган кредитлар сегментациясида 2024 йилнинг III чораги давомида ажратилган **онлайн** кредитларнинг жами микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан ажратилган кредитлардаги улуши **40 фоизни** ташкил этган этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **24 фоиз** бандга ортган.

Онлайн кредитлаш ҳажмининг кескин ошиши жисмоний шахслар томонидан “Узум маркет” электрон платформаси орқали товар хомашё сотиб олишда, “Шаффоф-Молия” (4,1 трлн сўм) ва “Тезкоин” (169 млрд сўм) микромолия ташкилотлари томонидан онлайн кредитлар ажратилиши билан изоҳланади.

6-чизма

Ажратилган онлайн ва офлайн кредитларнинг сегментацияси



Манба: Марказий банк маълумотлари

Жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар миқдорлари бўйича сегментациясида 2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида ажратилган кредитларнинг йирик қисми (**39 фоизи**) **10 млн сўмгача** бўлган кредитларни, **20-50 млн сўмгача** бўлган кредитлар улуши **30 фоизни**, **50-100 млн сўмгача** бўлган кредитлар улуши **19 фоизни** ва **10-20 млн сўмгача** бўлган кредитлар улуши **12 фоизни** ташкил этган.

Мазкур кредитлар улушининг ўзгаришида **20-50 млн сўмгача** бўлган кредитлар ўтган йилнинг мос давридаги **52 фоиздан** жорий йилнинг ўтган 9 ойи якунларида **22 фоизга** пасайиб, жисмоний шахсларга жами ажратилган кредитлардаги улуши **30 фоизни** ташкил этди.

Ушбу пасайиш тенденцияси **10-20 млн сўм** миқдоридаги кредитларда ҳам кузатилиб, уларнинг жами ажратилган кредитлардаги улуши ўтган йилдаги **17 фоиздан** жорий йилда **12 фоизгача** қисқарган.


Бироқ жисмоний шахсларга ажратилган **10 млн сўмгача** бўлган кредитлар ҳажмида жорий йилнинг ўтган даврида **12 фоизлик** ўсиш кузатилиб, уларнинг улуши жами **жисмоний шахсларга ажратилган кредитларда 39 фоизга** етган.

Шунингдек, сезиларли ўсиш тенденцияси йирик миқдорда ажратилган кредитлар ҳажмида ҳам кузатилди. Унга кўра, **50-100 млн сўм** миқдоридаги кредитларнинг жами жисмоний шахсларга ажратилган кредитлардаги улуши ўтган йилнинг мос давридаги **4 фоиздан** жорий йилда **19 фоизга** етди.

Мазкур ҳолат жисмоний шахсларга микроқарзлар ажратишда микроқарзлар суммасининг 50 млн сўмдан 100 млн сўмгача ошириш бўйича қонунчилик талабларига киритилган ўзгартиришлар билан изоҳланади.

7-чизма

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг миқдорлар бўйича тақсимланиши




Юридик шахсларга ажратилган кредитлар миқдорлари сегментациясида 50-100 млн сўмгача бўлган кредитлар улуши 27 фоизни, 200-300 млн сўмгача бўлган кредитлар улуши 27 фоизни, 50 млн сўмгача бўлган кредитлар улуши 18 фоизни, 300 млн сўмдан юқори бўлган кредитлар улуши 14 фоизни ва 100-200 млн сўмгача бўлган кредитлар улуши 14 фоизни ташкил этган.

Мазкур кредитлар улушининг ўзгаришида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида **200-300 млн сўмгача** бўлган кредитлар **3 фоиз** бандга камайиб, **27 фоизни** ва **300 млн сўмдан юқори** бўлган кредитлар эса **9 фоиз** бандга пасайган ҳолда **14 фоизни** ташкил этди.

Аксинча, **50-100 млн сўмгача** бўлган кредитларнинг жами юридик шахсларга ажратилган кредитлардаги улуши **3 фоиз** бандга ошиб, **27 фоизга**, шунингдек, **50 млн сўмгача** бўлган кредитлар улуши **5 фоиз** бандга ошиб, 18 фоизга етган.

8-чизма

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан юридик шахсларга ажратилган кредитларнинг миқдорлар бўйича тақсимланиши




III. Микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг асосий кўрсаткичлари динамикаси

3.1. Микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг активлари ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **1,8 баробарга** ортиб, 2024 йил 1 октябрь ҳолатига **7 трлн сўм** доирасида шаклланган. Бунда **микромолия ташкилотларининг** активлари **1,8 баробарга (2,9 трлн сўмга)** ўсиб, **6,6 трлн сўмга** ва **ломбардлар** активлари **1,7 баробарга (138 млрд сўмга)** кўпайиб, **455 млрд сўмга** етган.

9-чизма

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар активлари миқдори




Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар жами активларининг **94 фоизи** (6,7 трлн сўми) кредит қўйилмалари ҳиссасига тўғри келиб, активларининг ўсиши, асосан, кредит қўйилмаларининг қарийб **1,7 баробарга**, хусусан, микромолия ташкилотларида **1,9 баробарга**, ломбардларда **1,4 баробарга** ўсиши ҳисобига юзага келган. Натижада, микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг барча кредит ташкилотлари умумий кредит қолдиғидаги улуши **1,3 фоизга** етди.

10-чизма

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар кредит қўйилмалари динамикаси




Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан **жисмоний шахсларга** ажратилган **микроқарзлар** қолдиғи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **1,8 баробарга** ортиб, **6,5 трлн сўмга**, **истеъмол** кредитлари ҳажми эса **2,6 баробарга** ошиб, **11 млрд сўмга** етган бўлса, **тадбиркорлик субъектларига** ажратилган **микрокредитлар** қолдиғи қарийб **1,7 баробарга** кўпайиб, **144 млрд сўмга**, лизинг хизматлари ҳажми **2,6 баробарга** ошиб, **10,3 млрд сўмга** ҳамда факторинг хизматлари ҳажми **4,1 баробарга** ошиб, **41,0 млрд сўмга** етган.

11-чизма

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан ажратилган кредит турлари қолдиғи



Манба: Марказий банк маълумотлари


Микромолия ташкилотларида муаммоли кредитлар (NPL) жорий йил бошидан ҳисобот даври санасига **0,9 фоиз** бандга ошиб, **3,0 фоизни** (қолдиғи 186 млрд сўм) ташкил этади. Бунда муаммоли кредитларнинг ўсиши “шубҳали” кредитлар ҳажмининг жами кредит қолдиғидаги улушининг **2,6 фоизга** етиши ва “умидсиз” кредитларнинг жами кредит қолдиғидаги улушининг **0,4 фоизга** етиши билан изоҳланади.

Маълумот учун: микромолия ташкилотларида муаммоли кредитлар (NPL) “шубҳали” ва “умидсиз” кредитлардан ташкил топган.

Муаммоли кредитларни қоплаш коэффиценти (*NPL coverage ratio*) ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **3 фоиз бандга камайган ҳолда ҳисобот санасида **66 фоизни** ташкил этган.**

12-чизма

Муаммоли кредитлар ва уларни қоплаш коэффиценти




Манба: Марказий банк маълумотлари

3.2. Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар мажбуриятлари

2024 йилнинг 9 ойи давомида микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг жами мажбуриятлари **2 баробарга** (2,4 трлн сўмга) ошиб, **4,6 трлн сўмни** ташкил этган. Хусусан, **микромолия ташкилотларининг** мажбуриятлари **2,1 баробарга** (2,3 трлн сўмга) ошиб, **4,5 трлн сўмни**, **ломбардларда эса 2,9 баробарга** (65 млрд сўмга) кўпайиб, **101 млрд сўмни** ташкил этган.

13-чизма

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар мажбуриятлар динамикаси




Микромолия ташкилотларининг жами мажбуриятлари 2024 йил 1 октябрь ҳолатига ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 106 фоизга ошган ҳолда 4,5 трлн сўмни ташкил этиб, унинг 21 фоизи таъсисчилар, 46 фоизи тижорат банклари, 7 фоизи халқаро молия институтлари, 8 фоизи маҳаллий компаниялардан, 2 фоизи облигацияларни жойлаштириш ва 16 фоизи бошқа мажбуриятлардан шаклланган.

Бунда жалб этилган маблағларда таъсисчилар маблағлари **2,4 баробар (483 млрд сўм)**, тижорат банклари ресурслари **1,8 баробар (924 млрд сўм)**, халқаро молия институтлари маблағлари **1,9 баробар (160,5 млрд сўм)**, маҳаллий компаниялардан жалб этилган маблағлар **1,5 баробар (117 млрд сўм)** ва облигацияларни жойлаштиришдан тушган маблағлар **5,7 баробарга (80 млрд сўм)** ошган.

14-чизма

Микромолия ташкилотлари мажбуриятлар таркиби




Манба: Марказий банк маълумотлари

Ломбардларнинг жами мажбуриятлари 2024 йил 1 октябрь ҳолатига ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **189 фоизга** ошган ҳолда **101 млрд сўмни** ташкил этиб, унинг **80 фоизи** таъсисчилар, **14 фоизи** тижорат банкларидан жалб этилган маблағлар ва **6 фоиз** бошқа мажбуриятлар ҳисобидан шаклланган.

Бунда ломбардлар жами мажбуриятлари таркибида таъсисчилар маблағлари **2,2 баробарга** (12,6 млрд сўм), тижорат банкларидан **2,9 баробарга** (9,4 млрд сўм) ҳамда маҳаллий компаниялардан жалб этилган маблағлар **2,7 баробарга** (10 млрд сўм) ошган.

15-чизма

Ломбардлар мажбуриятлари таркиби




3.3. Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар капитали

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар жами капитали

Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **1,3 баробарга** (629 млрд сўм) кўпайиб, 2024 йил 1 октябрь ҳолатига **2,4 трлн сўмга** етган. Бунда **микромолия ташкилотларининг** жами капитали **1,4 баробарга** (558 млрд сўм) ошиб, **2,1 трлн сўмни** ва **ломбардларда** **1,3 баробарга** (72 млрд сўм) ўсиб, **354 млрд сўмни** ташкил этган.

16-чизма

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар жами капитал динамикаси




Манба: Марказий банк маълумотлари

Микромолия ташкилотлари фаолиятида уларнинг ташқи манбаларга боғлиқлигини кўрсатувчи **жами капиталнинг жалб этилган ресурсларга нисбати** кўрсаткичи 2023 йил 1 январга нисбатан **0,6 бирлик** бандга ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан эса **0,2 бирлик** бандга камайиб, таҳлил санасида **0,6 бирликни** ташкил этган.

Маълумот учун: жами капиталнинг жалб этилган мажбуриятларга нисбати кўрсаткичи ташкилотлар жалб этилган мажбуриятларининг қанча қисмини ўз капитали ҳисобидан қоплай олишини ифодалайди.

Микромолия ташкилотларининг жалб этилган маблағларнинг капитал билан боғлиқлик даражаси



Манба: Марказий банк маълумотлари

3.3.1. Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар рентабеллик кўрсаткичлари

2024 йил январь-сентябрь ойлари якунлари бўйича микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг жами даромадлари **2,4 трлн сўмни**, жами харажатлари **1,1 трлн сўмни** ташкил этиб, жами **650 млрд сўм** миқдоридан соф фойда олинган.


Бунда **микромолия ташкилотларида** жами даромадлар **2,1 трлн сўмни**, жами харажатлар **971 млрд сўмни** ва соф фойда **523 млрд сўмни** ташкил этган бўлса, **ломбардларда** эса жами даромадлар **252 млрд сўмни**, харажатлар **96 млрд сўмни** ташкил этиб, **127 млрд сўм** миқдоридан соф фойда олинган.

Микромолия ташкилотлари фоизли даромадлари жами даромадларнинг **70 фоизини** ташкил этиб, унинг **99 фоизи** ажратилган кредитлар (*молиявий хизматлар*) ҳисобига шаклланган.

Микромолия ташкилотлари жами харажатлари таркибида фоизсиз харажатлар **9 фоизни**, операцион харажатлар **45 фоизни** ва фоизли харажатлар **46 фоизни** ташкил этган. **Ломбардлар** жами харажатлари таркибида фоизсиз харажатлар **11 фоизни**, операцион харажатлар **81 фоизни** ва фоизли харажатлар **8 фоизни** ташкил этади.

18-чизма


Микромолия ташкилотларининг кредитлардан олинган даромадларини жами даромадлардаги улуши динамикаси



Манба: Марказий банк маълумотлари

19-чизма

Ломбардларнинг фоизли даромадларини жами даромаддаги улуши динамикаси




Манба: Марказий банк маълумотлари

Микромолия ташкилотлари томонидан микромолиявий хизматлар кўрсатиш орқали олинаётган фоизли даромадларда кўрсатилаётган хизматларлар сегментацияси улушида эса микроқарзларнинг улуши **97-99 фоиз** оралиғида шаклланган.

20-чизма

Микромолия ташкилотларининг фоизли даромадлари таркибидаги молиявий хизмат турлари бўйича даромадлари динамикаси



Манба: Марказий банк маълумотлари

3.3.2. Активлар ва капитал рентабеллиги

Микромолия ташкилотларида активлар рентабеллик кўрсаткичи (ROA) ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **13,9 фоиз** бандга, 2024 йил 1 январга нисбатан эса **9,3 фоиз** бандга камайиб, таҳлил санасида **19,1 фоизни** ташкил этган.


Шунингдек, капитал рентабеллик кўрсаткичи (ROE) ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **29,3 фоиз** бандга ва жорий йилнинг 1 январга нисбатан эса **27,9 фоиз** бандга камайиб, таҳлил санасида **36,3 фоизга** етган.

Мазкур ҳолат микромолия ташкилотлари соф фойдасининг активлар ва капитал кўрсаткичлари ўсиш суръатига нисбатан номутаносиб равишда ўсиши билан изоҳланади.

Бунда микромолия ташкилотларининг жами ўртача активлари ҳамда капитали ўтган бир йил давомида мос равишда 2 баробар ва 1,5 баробарга ошган бўлса, соф фойда ушбу даврда 3 фоизга ошган.

21-чизма

Микромолия ташкилотларининг рентабеллик кўрсаткичлари динамикаси




Манба: Марказий банк маълумотлари

Шу билан бирга, жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига ломбардларда активлар рентабеллик кўрсаткичи (ROA) 57,2 фоиз ва капитал рентабеллик кўрсаткичи (ROE) 52,5 фоизни ташкил этиб, ушбу кўрсаткичлар жорий йилнинг ўтган даврида мос равишда 57-59% ва 51-53% фоиз оралиғида шаклланган.

22-чизма

Ломбардларнинг рентабеллик кўрсаткичи динамикаси



Манба: Марказий банк маълумотлари